

23. Мандат комиссияси таркиби олимпиада II босқичида иштирок этаётган ОТМ вакилларида куръа ташлаш йўли билан аниқланади ва 3 кишидан иборат бўлади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:.

- олимпиада иштирокчиларининг ваколатини текшириш;
- иштирокчининг паспорти (асл нусхаси);
- иштирокчининг рейтинг дафтарчаси (асл нусхаси);
- ОТМ раҳбариятининг йўлланмаси;
- команда раҳбарининг ўтказилаётган фан дастури талабларига розилиги ва бериладиган топшириқлар билан танишганлиги ҳамда розилигини олиш;
- бажарилган ишларни шифрлаш ва шифрларни очиш тадбирларини амалга ошириш.

Тегишли ҳужжатлари мос келмаса, мандат комиссияси ёзма равишда вазирлик томонидан белгиланган масъул вакил ва олимпиаданинг II босқичини ўтказувчи ОТМ Ишчи ташкилий қўмитасига мурожаат этади. Ишчи ташкилий қўмита тегишли тартибда қарор қабул қилади ва баённома тузади.

3-§. Олимпиаданинг I босқичини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

24. Олимпиаданинг I босқичи ҳар бир ОТМда Вазирлик белгиланган муддатда ўтказилади. Унинг юқори савияда ўтказилишига шахсан ОТМ ректори масъул.

25. Олимпиаданинг I босқичини ўтказиш учун ОТМда Ишчи ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркиби ректор буйруғи билан тасдиқланади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

- Ректор (Раис);
 - Илмий ишлар бўйича проректор (Раис ўринбосари);
 - Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи (Масъул котиб);
- Аъзолари:
- Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор;
 - Ўқув ишлари бўйича проректор;
 - ОТМ “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти вакили;
 - Факультет деканлари, ОТМнинг етакчи олимлари ва мутахассислари;
 - Жамоат ташкилотлари ва ҳомий ташкилотлар вакиллари.

Олимпиаданинг I босқичида ОТМ томонидан олимпиада қатнашчиларининг билимларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ва ректор томонидан тасдиқланади.

26. Олимпиада ўтказиладиган мутахассислик ва умумкасбий фанлар бўйича I босқич топшириқлари фан дастурига мос ҳолда, тегишли кафедралар томонидан кўп вариантли қилиб тузилади ва ОТМ Ишчи ташкилий қўмитасига топширилади. Ишчи ташкилий қўмита мавжуд вариантлар асосида янги вариантларни тузади. Вариантлар махфийлигини таъминлаган ҳолда олимпиаданинг тегишли тури бошланиш вақтига қадар махсус сейфда сақланади ва олимпиаданинг тегишли тури бошланишидан олдин Ҳакамлар ҳайъатига топширади.

27. Олимпиаданинг I босқичи қуйидагича амалга оширилиши тавсия этилади:

- ижодий иш тайёрлаш;

– ёзма иш ёки амалий, лаборатория топшириқларини бажариш (ёки матн таржима қилиш);

– тест топшириқларини бажариш;

– оғзаки топшириқларни бажариш.

Ижодий ишни тайёрлаш тартиби ва муддатлари ОТМ томонидан белгиланади.

28. Олимпиаданинг I босқичи натижалари ОТМнинг Кенгашида муҳокама этилади. Фақат 1-ўринни эгаллаган ғолибларни олимпиаданинг II босқичида қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

29. Олдинги ўқув йилларида II босқич олимпиадасида қатнашиб биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган иқтидорли талабалар ушбу фан бўйича олимпиадада қайта қатнашиши мумкин.

4-§. Олимпиаданинг II босқичини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

30. Олимпиада II босқичи Вазирлик буйруғи билан масъул этиб белгиланган ОТМларида ташкил этилади ва ўтказилади.

31. Олимпиада II босқичини ўтказувчи ОТМларнинг Ишчи ташкилий қўмитаси таркиби ректор буйруғи билан тасдиқланади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

– Ректор (Раис);

– Илмий ишлар бўйича проректор (Раис ўринбосари);

– Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи (Масъул котиб);

Аъзолари:

– Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор;

– Ўқув ишлари бўйича проректор;

– иштирок этаётган ОТМ вакиллари;

– ОТМ «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти вакили;

– Васийлар кенгаши, жамоат ва ҳомий ташкилотлар вакиллари.

32. Олимпиаданинг II босқичини талаб даражасида ўтказиш масъулияти ОТМ ректорлари зиммасида бўлади. Вазирлик ташкилий қўмитаси II босқичнинг ўтказилишини мувофиқлаштириш учун масъул вакилларни хизмат сафарига юборади ва улар жойларда умумий назоратни амалга оширади.

33. Олимпиаданинг II босқичини ўтказувчи ОТМ Ишчи ташкилий қўмитасининг вазифалари:

– олимпиаданинг II босқичини мазкур Низом талаблари асосида ташкил этиш, олимпиаданинг ўтказилиш жараёнини назорат қилиш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳисобот бериш;

– олимпиада иштирокчиларини кутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантиришни ташкил этиш, зарур ҳолларда тиббий хизмат кўрсатиш ва кузатишни ташкил қилиш;

– иштирокчилар ва жамоа раҳбарларини олимпиада Низоми, ўтказиш тартиби, қатнашчилар билимини баҳолаш мезонлари билан таништириш;

– олимпиаданинг илмий-услубий жиҳатдан юқори савияда, адолат ва ошкоралик мезонлари асосида ўтказилишини таъминлаш;

– олимпиада жараёнида рўй бериши мумкин бўлган ташкилий, техник носозликлар ва англашилмовчиликларнинг олдини олади, уларни бартараф

этиш чораларини кўради;

- олимпиада натижаларини олимпиада иштирокчилари ва ОТМ мутасадди вакиллари иштирокида эълон қилиш, зарур ҳолларда иштирокчилар ва қатнашувчи ОТМлари мутасадди вакиллари саволларига жавоб бериш, уларнинг эътирозларини кўриб чиқиб ўрнатилган тартибда бартараф этиш;

- олимпиада ўтказилаётган фанлар бўйича II босқичда топшириқлари фан дастурига мос ҳолда тегишли ОТМ вакиллари томонидан тақдим этилган вариантлар асосида Вазирликнинг вакили билан биргаликда ОТМ ташкилий кўмитаси янги вариантларни тузиш. Махфийлигини таъминлаган ҳолда олимпиаданинг тегишли тури бошланадиган вақтга қадар махсус сейфда сақлаш ва олимпиаданинг тегишли тури бошланишидан олдин Ҳакамлар ҳайъатига топшириш;

- олимпиадада қатнашувчи талабалар иштирокида тадбирларни ташкил этиш, кафедра ва деканатларда “Билимлар куни” рукнида маданий тадбирларни ўтказиш;

- тарихий-маданий ёдгорликлар, муассасалар ва музейларга саёҳатлар ташкил этиш;

- олимпиада ғолибларини ва қатнашувчи олий таълим муассасаси жамоаси раҳбарларини тақдирлаш ҳамда рағбатлантириш.

34. Олимпиаданинг II босқичида иштирокчи қуйидаги ишларни амалга ошириши тавсия этилади:

- ижодий иш тайёрлаш;

- ёзма иш ёки амалий, лаборатория топшириқларни бажариш (ёки матн таржима қилиш);

- тест топшириқларини бажариш;

- оғзаки топшириқларни бажариш.

Ижодий иш олимпиада ўтказилаётган муайян мутахассислик ёки умумкасбий фанлар доирасидаги мавзу юзасидан бажарилади.

35. Олимпиада ўтказиладиган жойга иштирокчиларни олиб келиш ва олиб кетиш, уларнинг йўллардаги ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча масъулият қатнашувчи ОТМлари ректорлари ва улар томонидан тайинланган масъуллар зиммасига юклатилади.

36. Олимпиада II босқичининг ўтказилиши юзасидан қатнашувчи талабалардан, жамоа раҳбарларидан натижа эълон қилингандан сўнг 4 соат ичида тушган ёзма шикоят ва аризалар Ташкилий кўмита ва Ҳакамлар ҳайъати томонидан олимпиада жараёнида бевосита жойида ҳал этилади. Белгиланган муддатдан кечикиб билдирилган эътирозлар ва шикоятлар кўриб чиқилмайди.

37. Олимпиада ўтказилиш жараёнида ўрнатилган тартиб қоидаларга амал қилмаган талаба Ҳакамлар ҳайъати қарори билан олимпиададан четлаштирилади. Бу ҳақда тегишли далолатнома тузилади ва уни Ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари ҳамда тартиб қоидага амал қилмаган талаба томонидан имзоланади.

III боб. Олимпиада ғолибларини аниқлаш тартиби

1-§. Олимпиада ғолибларини аниқлаш

38. Олимпиада ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш:

- I босқичда ОТМ ташкилий кўмитаси қарори натижаларига асосан;
- II босқичда мутасадди ОТМ ташкилий кўмитаси қарорига кўра амалга оширилади.

39. Олимпиаданинг II босқичи ғолибларининг сони ҳар бир фан бўйича қуйидагича белгиланади:

- 1 ўрин – бир нафар;
- 2 ўрин – бир нафар;
- 3 ўрин – бир нафар.

2-§. Олимпиадани якунлаш тартиби

40. Олимпиада II-босқичини ўтказувчи ОТМ ташкилий кўмитаси томонидан бажарган ишлар бўйича дастлабки маълумотномани (Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосаси, Мутасадди ОТМ қарори ва ҳ.к.) электрон кўринишда (шрифт – Times New Roman, 14) ҳамда қоғозда расмийлаштирилган ҳолда Вазирлик ташкилий кўмитасининг масъул вакилига олимпиада тугаган кунининг ўзидаёқ топширилади

41. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази мазкур Низом асосида қуйидагиларни бажаради:

- олимпиада ҳисоботини таҳлил қилади;
- олимпиаданинг жорий йилда ташкил этилиши, ўтказилиши ва якуни ҳақида таҳлилий маълумотномани Вазирликка тақдим этади.

3-§. Олимпиада ғолиблари, уларнинг илмий раҳбарлари ҳамда фаол ташкилотчиларни тақдирлаш тартиби

42. Олимпиаданинг II босқичида 1-ўринни эгаллаган талаба Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва юқори стипендиянинг беш карра миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

43. Олимпиаданинг II босқичида 2-ўринни эгаллаган талаба вазирликнинг иккинчи даражали дипломи ҳамда юқори стипендиянинг тўрт карра миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

44. Олимпиаданинг II босқичида 3-ўринни эгаллаган талаба вазирликнинг учинчи даражали дипломи ва юқори стипендиянинг уч карра миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

45. Олимпиадани ўтказишда фаол қатнашган ташкилотчилар, илмий раҳбарлари ОТМ ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг тегишли буйруғи асосида рағбатлантирилади. Олимпиаданинг II босқичида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган талабаларнинг илмий раҳбарлари бир ойлик маош миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

4-§. Олимпиаданинг молиявий таъминоти

46. Олимпиаданинг II босқичи ғолиблари, уларнинг илмий раҳбарларига бериладиган пул мукофотлари ўз ОТМлари бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

47. Олимпиаданинг I, II босқичини ўтказиш харажатлари ОТМларнинг Ишчи ташкилий кўмитаси ишлаб чиққан смета асосида жойларда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланади.